

МУЛЛАСОДИҚОВА Нигора Миромоновна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Араб тили ва адабиёт ал-Азҳар
кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

БАДИЙ ИЛМИДА ЛАФЗИЙ МУҲАССИНОТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

ПОНЯТИЕ «СЛОВЕСНОЕ УКРАШЕНИЕ» В НАУКЕ КРАСНОРЕЧИЯ И ЕГО РАЗНОВИДНОСТИ

THE CONCEPT OF “VERBAL DECORATION” IN THE SCIENCE OF ELORA AND ITS VARIETIES

Аннотация. Араб балогат илмида сўзларнинг турли бадиий безакларда қўлланиши бадиъ илмининг бош мавзуси деб ҳисобланади. Мазкур мақолада бадиий муҳассиновларнинг турларга ажратилиши, лафзий муҳассиновлар тушунчаси ва унинг турлари ҳақида батафсил маълумот берилади. Жўмладан, лафзий муҳассинов туркумига киритилган жинос, сажъ, издиваж, тасриъ ва ҳуснут тақсим тушунчалари, уларнинг турлари ва матн таркибида қўлланиш шартлари ҳақида батафсил маълумот берилади ва шунга доир мисоллар келтирилади.

Калит сўзлар: бадиъ илми, лафзий муҳассинов, маънавий муҳассинов, сажъ, жинос, иқтибос

Аннотация. В арабской стилистике использование слов в различных художественных оформлениях считается главной темой науки о красноречии. В данной статье приведены сведения о художественном оформлении арабской поэтики и его видах, а также сведения о понятии словесного украшения и его видов. В частности, понятия «джинос», «садж», «издивадж», «тасри» и «хуснут тақсим», которые включены в серию словесных украшений, подробно описаны в тексте об их типах и условиях применения, а также приведены примеры.

Ключевые слова: наука красноречия, словесные украшения, смысловые украшения, паронимазия, цитирование, рифмованная проза.

Annotation. In Arabic stylistics, the use of words in various decorations is considered the main theme of the science of eloquence. This article provides information

about the artistic design of Arabic poetry and its types, as well as information about the concept of verbal decoration and its types. In particular, the concepts of “jinos”, “saj”, “izdivaj”, “tasri” and “khusnut taksim”, which are included in a series of verbal decorations, are described in detail in the text about their types and conditions of use, and examples are given.

Keywords: science of eloquence, verbal embellishments, semantic embellishments, paronomasia, quotation, rhymed prose.

КИРИШ

Араб стилистикаси “балоғат илми” номи билан маълум бўлиб, у филологик илмларнинг энг мураккаб қисми деб ҳисобланади. Мазкур илмнинг асоси жоҳилия даврида қўлланган ва Қуръони карим нозил бўлгач унинг сирларини тушуниш асносида илм сифатида шакллана бошлаган. Жоҳилия даврида балоғат илмига мансуб айрим масалаларнинг амалий кўринишлари халқ оғзаки адабиётида тарқоқ ҳолда қўлланган. Бу хусусдаги илк мулоҳазалар IX асрда яшаб ижод этган Амр бин Золим ал-Жоҳизнинг “Китаб ал-байан ва ат-табийн” асарида учрайди, аммо дастлабки махсус рисола Абдуллоҳ ибн Муътазнинг “Китаб ал-бадиъ” асари деб эътироф этилади.

Балоғат илми ўрганадиган масалалар доирасига қараб уч таркибий қисмга ажратилади:

Бадиъ илми

Баён илми

Маъоний илми

Бадиъ илми гаплар таркибидаги сўз-ибораларни шакл ва маъно жихатидан чиройли қолипга солиш йўллариини ўргатади. Яъни бу илм ҳар хил шеърӣ-шаклий санъатлар ва уларнинг қўлланиш шартларини ўрганади. Баён илми эса шароит тақозосига мос гапни сўзловчининг мақсадига қараб турли усулларда ифодалашни ўрганади, яъни сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши баён илмида энг муҳим омил деб ҳисобланади. Маоний илми эса фикрни тўлиқ ифода этиш учун грамматик ва лексик воситалардан фойдаланиш қонун-қоидаларини ўрганади. Демак, баён ва бадиъ илмлари филологик илмларнинг адабиётшунослик соҳасига оид мавзуларни тадқиқ қилса, маоний илми тилшунослик масалаларини стилистик нуқтаи назардан ўрганади, деб ҳисоблашимиз тўғри бўлади.

Бадиъ илми сўз ва ибораларни шакл ва маъно жиҳатидан чиройли қолипга солиш йўллари тадқиқ қилади. Бу илмга аббосий халифалардан бири бўлган шоир Абдуллоҳ ибн Муътаз асос солган ва унинг “كتاب البديع” асари соҳага оид илк тадқиқот манбаи деб қаралади. Шарқшунос олим академик И.Ю.Крачковский Муътазнинг мазкур рисоласини тўлиқ ўрганиб, рус тилига таржима қилган [1. 97-330]. Ибн Муътаздан кейин бу соҳада Қудам бин Жаъфар шуғулланган ва соҳага оид фикр-мулоҳазаларини “تقد الشعر” асарида баён этган. У Абдуллоҳ ибн Муътаз киритган шеърий санъатларга бир қатор янги турларни қўшди. Қудамдан кейин Абу Ҳилол Аскарӣ ҳам бадиий санъатлар бўйича шуғулланди ва ўзининг “كتاب الصنائع” асарини яратди. Кейинги даврда ҳам адабий муҳитда рақобатнинг кучлилиги сабабли соҳага оид кўпгина асарлар яратилди. Шоирлар турли бадиий санъат турларини кашф қилиб, уларнинг доирасини кенгайтиришга интилди, натижада бадиий санъат турлари Муътаз асос солганидан анча ортган.

Бадиий санъат тушунчаси “муҳассинот” атамаси билан номланади. Бадиий муҳассиноатлар аслида сўз ва маънонинг беағи ёки бадиий ранг-баранг шакли сифатида машҳур. Унда сўз ёки маъно турли бадиий безаклар билан сайқалланади. Матн таркибида тақдим қилинадиган бадиий санъат турлари ўша матннинг гўзаллигини яққол акс эттириб беришидир. Бадиий санъатлар нафақат бадиъ илмининг, балки бутун балоғат илмининг муҳим нуқтаси деб ҳисобланади ва шу сабаб балоғат илмини мукамал бадиий санъат деб тушуниш ҳам мумкин. Шоир, ёзувчи ва нотиклар ўз ижод маҳсулини рассомлар каби турли рангли бўёқлар билан безашга интилиб ранг-баранг бадиий санъат турларидан фойдаланади ва шу йўл билан ўз асарини мукамал бадиий санъат намунасига айлантиради.

Бадиъ илми ривожланишининг кейинги босқичида бадиий санъат турлари қўлланишига қараб қуйидаги икки гуруҳга тақсимланди:

Лафзий муҳассинотлар

Маънавий муҳассинотлар

1. Лафзий муҳассинот турлари балоғат уламолари томонидан таҳлил қилинганда қўлланишига қараб турлича тақсимланади. Уларнинг орасида энг кенг тарқалгани қуйидагилардир:

Тасриъ

Жинос

Сажъ

Издиваж

Маънавий муҳассинотга эса тибоқ, муқобала, таврия, муруатун назийр, илтифот ва бошқа турлар киритилади [11.234].

АСОСИЙ ҚИСМ

Лафзий муҳассинотлар назмга оид асарларда ҳам, насрий асарларда ҳам тенг қўлланади. Лафзий муҳассинотлардан бири бўлган тасриъ фақат шеъриятда қўлланади. Тасриъ шеър ёки қасиданинг биринчи ва иккинчи байтларининг охирги ҳарфлари бир хил бўлишидир, масалан:

اختلاف النهار والليل ينسي
اذكرا لي الصبا وأيام أنسي

Кун ва туннинг фарқи унутилади

Менга болалигимни ва унутган кунларимни эслатинг.

Тасриъ шеърий матннинг муסיқавийлигини таъминлаб, тингловчининг эътиборини жалб қилишни мақсад қилади.

Бадиий муҳассинотларнинг яна бир тури “жинос” деб номланиб, у ўзбек адабиётида “тажнис” атамаси билан маълум. Жинос шеърий ва насрий асарларда тенг қўлланиши мумкин. Бунда гап таркибида бир хил ёки ўхшаш икки сўз қўлланиб, маънолари бир-биридан тамоман фарқланади.

Жинос ясалишига кўра икки турга тақсимланади:

Жинос томм

Жинос ноқис

Жинос томм юқорида айтилганидек, бир гап таркибида турли маънони ифодалаётган икки бир хил шаклли сўзнинг қўлланишидир [12.326]. У ўзбек филологиясидаги омоним сўзлар билан бир хил. Жинос томмда икки сўз ҳарф тури, сони, ўрни ва ҳаракати билан шаклан бир хил бўлиши шарт, масалан:

صليت المغرب في أحد مساجد المغرب -

Мағрибни Мағрибда ўқидим

Мисолда “мағриб” сўзи икки ўринда қўлланган бўлиб, биринчиси “шом намози”, иккинчиси “Марокаш” давлати маъносини ифодалаб келган.

يقيني بالله يقيني

Аллоҳга бўлган ишончим мени асрайди-

Бу мисолда эса “يَقِينِي” сўзи биринчи қўлланганда “ишонч – иқин” маъносини ифодалаб келиб, унга биринчи шахс, бирлик эгалик олмош يَقِينِي қўшимчасининг қўшилиши билан “ишончим” маъносини ифодалаган, иккинчи марта қўлланганда эса аввалги шаклдаги каби от шаклида эмас, аксинча феъл маъносида бўлиб, وَقَى феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли деб ҳисобланадиган يَقَى феълга биринчи шахс, бирлик эгалик олмоши “нунул-виқоя” билан يَقِينِي – мени асрайди” маъносини ифодалаб келган.

أَرْضِيهِمْ مَادَمْتُ فِي أَرْضِهِمْ

Модомики уларнинг ерида экансан уларни рози қилгин–

Бу гапда эса “يَرْضِيهِمْ” сўзи орқали аввал يَرْضِي феълнинг IV боб буйруқ шаклига م- кўплик сон, музаккар жинс, учинчи шахс бирикма олмоши қўшилиб “уларни рози қил” маъноси, кейин эса “يَرْضِيهِمْ – ер” сўзига юқоридаги бирикма олмош қўшилиб “уларнинг ери” маъносини ифодалаб келган.

Жинос томм таркибидаги сўзлар бир турга мансуб бўлса, яъни ҳар икки сўз исм, феъл ёки ҳарф бўлса, у тўлик (لثَام) (يَفْوَسْتُمْ), ўхшаш (لثَام) жинос дейилади, масалан:

(ويوم تقوم الساعة يقسم المجرمون ما لبثوا غير ساعة).

Қиёмат қоим бўладиган куни жинойтчилар бир соатдан бошқа турмаганлари ҳақида қасам ичурлар. (Рум с, 55)

Мисолда “соат” сўзи морфологик жиҳатдан от деб ҳисобланиб, араб тилида исм гуруҳига мансубдир.

Жиноснинг иккинчи тури бўлган жинос ноқис икки сўзнинг тартиби, сони, ҳаракати ёки ўрнида тафовут юзага келиши билан ҳосил қилинади, масалан:

ҳарфларнинг тури ўзгариши:

من بحر شعرك أعترف

وبفضل علمك أعترف

Ҳарфлар сони ўзгариши:

ن اوله وه ي اوله ن!

Ҳарфлар тартибининг ўзгариши:

قول أبي تمام: بيض الصفائح لا سود الصفائح.

Сўзларнинг ҳаракати ўзгариши:

قول خليل مطران: يا لها من عذبة للمستهام وعذبة للراني

Бу каби ўзгариш ноқис жиносда иккидан ортиқ фарқ бўлмайди.

Жинос ноқисда ҳарф сонининг ортиши сўзнинг турли ўринларида бўлиши мумкин. Агар сўз бошида ортса “مردوف – кетма-кет

келган ихтилоф” дейилади, масалан, دوام الحال – гапида “حال” сўзининг бошига “ميم” ҳарфи қўшилиб, “مِحال” шаклида қўлланган. Агар ҳарф ортиши сўз орасида юзага келса “مكتنف – қуршалган ихтилоф” дейилади, масалан, جدّي ҳарф орасига “جذ” сўзидаги икки ҳарф орасига ҳарф қўшиш билан “جهد” икки тарафдан ўраб олинган ихтилоф юзага келган. Бундай ихтилоф сўз охирида юзага келса “مطرّف – охирига қолдирилган ихтилоф” дейилади, الهوى مطية ҳарф сўзининг охирида ҳарф қўшилганини келтириш мумкин.

Лафзий муҳассинотнинг яна бир тури сажъ бўлиб, у фақат насрий асарларда қўлланади. Сажънинг талаби бир, икки ёки ундан ортиқ гапларнинг энг охириги ҳарфлари бир хил тугаши кераклигидадир [12. 331], масалан:

الحز إذا وعد وفى وإذا أعان كفى وإذا ملك عفا

Эркин инсон ваъда берса вафо қилади, ёрдам берса қафолатлайди, бошқарса кечиради الصوم حرمان مشروع ، وتأديب بالجوع ، وخشوع لله وخضوع

Рўза бу режали маҳрумлик, очлик билан тарбиялаш, Аллоҳга ҳурмат ва бўйсунушидир.

الحقّ صدأ القلوب، واللّجاج سبب الحروب

Нафрат қалбларнинг зангидир, кибр эса низоларнинг сабабидир

Уфи - كفى – Мазкур гапларнинг биринчисида كفى сўзларининг охирида алиф максура бир хил келгани, иккинчи гапда эса خشوع - بالجوع - مشروع - و ва ع ҳарфлари ва و ҳарфидан аввалги унли товуш ҳам бир хил қўллангани, учинчи гапда эса القلوب - سؤزلاري таркибида ب ҳарфининг бир хил келиши сажъ деб ҳисобланади.

Сажъ сири кўнгилни тўлқинлантириб, қулоққа шодлик бағишловчи мусикий жарангга эгалигидадир. Аслида сажънинг бир хил ҳарфларда юзага келиши энг гўзал тур деб ҳисобланади. Агар жумлалар орасида сажъ бўлмаса бундай услуб мутарассал деб аталади.

Сажъ юқорида таъкидланганидек, асосан насрий асарларда қўлланади, у шеърий асарларда қўлланганда қофия деб номланади. Сажъ нечта сўз таркибида келганига қараб уч турга ажратилади:

Узун сажъ – бу турда 11-12 та, энг кўпи билан 15 сўз таркибида учрайди.

Қиска сажъ эса имкон борида кам сўзли гапларда асосан иккита сажъдан иборат бўлади, гап таркибидаги сўзларнинг миқдори

камайтирилиши қўлланаётган сажънинг гўзаллигини орттиради.

Ўртача сажъ эса юқоридаги икки турнинг орасида бўлиши мумкин.

Сажъ қофия ва вазн нуқтаи назаридан ўзаро мос ёки мос эмаслигига қараб турларга ажратилади, агар танланган сўзларнинг қофияси бир, вазни турлича бўлса “сажъ мутарраф” деб ҳисобланади, масалан:

مَا لَكُمْ لَا تَرْجُونَ لِلَّهِ وَقَارًا ﴿١٤﴾ وَقَدْ خَلَقَكُمْ أَطْوَارًا ﴿١٥﴾

Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг азаматини ўйлаб кўрмайсизлар. Ҳолбуки, у сизларни ҳолатма-ҳолат яратди. (Нух с., 13-14)

Бу оятда *أَرَاوُطًا* ва *أَرَاوُطًا* сўзлари сажъланган бўлиб, қофияда ўзаро мослашиб, вазнда фарқланган.

إِنَّ اللَّهَ لَعَنَ الْكَافِرِينَ وَأَعَدَّ لَهُمْ سَعِيرًا ﴿٦﴾ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا لَا يَجِدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿٧﴾

Албатта Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва уларга дўзахни тайёрлаб қўйди. Улар унда абадий бардавом қолурлар. На бир дўст ва на бир ёрдамчи топа олмаслар. (Ахзоб с., 64-65)

Бу оятда *سَعِيرًا* ва *نَصِيرًا* сўзлари қофияда мослашиб, вазнда фарқланган.

Сажъ қилинаётган сўзларнинг вазни ва қофияси ўзаро мос бўлса “сажъ мутавозина” вазндош сажъ дейилади, масалан:

فِيهَا سُرُورٌ مَرْفُوعٌ وَأَكْوَابٌ مَوْضُوعٌ

Унда баланд-баланд сўрилар бор. Ва тайёрлаб қўйилган қадаҳлар бор. (Ғошия с., 13-14)

Бу оятда *مَرْفُوعٌ* ва *مَوْضُوعٌ* сўзларининг вазни ва қофияси бир хил, охирги уч ҳарф ва ҳаракати ҳам бир хил бўлгани учун сажъ деб ҳисобланади.

Сажъ гапнинг ҳаловати, равнақи, жарангдорлигини ифодаловчи ажойиб балоғий санъатдир.

Лафзий муҳассинотларнинг яна бир тури “издиваж” деб номланиб, у кетма-кет келаётган икки сўз узунлиги, таркиби ва мусиқий оҳангдорлиги жиҳатидан ўзаро уйғунлашишни, яъни ҳамооҳанг бўлишни талаб қилади. Издиважда танланаётган сўз иккинчи сўзга шаклдош бўлиши учун бироз ўзгартирилиши зарур бўлади [7.205], масалан:

مَنْ جَدَّ وَجَدَ - ким қидирса топади

وَمَنْ لَجَّ وَلَجَ - катъиятли имкон топар

Юқоридаги икки мисол араб халқ мақолларидан бўлиб, ҳар иккисида ҳам бир хил оҳанг юзага келган.

Ташабхул атроф айрим манбаларда лафзий санъат турларидан бири деб қаралади [7.208]. У назмда ҳам, насрда ҳам учрайди. Бу турда биринчи гапнинг охирги сўзи иккинчи гапнинг биринчи сўзи бўлиши шарт қилинади, масалан:

فِيهَا مَصْنَعُ الْمَصْنَعِ فِي رُجَاةِ الرُّجَاةِ كَأَنَّهَا كَوَّكَبٌ دُرِّيٌّ

унинг устида бир чироқ, бу чироқ бир ишша ичида, у ишша гўё бир дур юлдузга ўхшайди. (Нур с, 35)

Мазкур оят бир неча кичик жумлалардан иборат бўлиб, биринчи жумла *مَصْنَعُ*, учинчи жумла *رُجَاةِ* сўзлари билан тугаган, иккинчи ва тўртинчи гаплар эса юқоридаги сўзлар билан бошланган, фақат гапнинг эгаси бўлгани учун аниқ ҳолатда келтирилган. Бу каби тур шеърда учраганда Лайло Ахилийя Ҳажжож бин Юсуф ас Сақафийни мадҳ этиб ёзган байтида куйидагича ишлатилган:

إِذَا نَزَلَ الْحَجَّاجُ أَرْضاً مَرِيضَةً ... تَتَّبِعُ أَقْصَى دَانِهَا فَتَنَفَّاهَا
شَفَاهَا مِنَ الدَّاءِ الْغَضَالِ الَّذِي بَهَا ... غَلَامٌ إِذَا هَزَّ الْقَنَاءَ سَقَاهَا
سَقَاهَا فَرَوَاهَا بِشَرْبِ سِجَالِهِ ... دِمَاءُ رَجَالٍ يَحْلُبُونَ صَرَاهَا

Касал ерга оёқ босса гар Ҳажжож,
бедаво дардин топар у ернинг

Шифо бериб муборак қадами ла гўдаги бир
силкитиб канални сугорар

Сугорар ва тўйинтирар ... эркаларнинг
қонини соғиб олар

Яъни, агар қонунбузар бузгунчилар ерига келса, то қочоқларни, яширинишга уринганларни, фитна бошлиқларини таъқиб қилиб, таг туги билан қуришиб ўлдирмагунча қайтмайди.

Лафзий санъатнинг яна бир тури иқтибос бўлиб, унда шеър ёки қасида таркибида оят ёки ҳадис иқтибос қилинади. Муҳими иқтибос қилинаётган асл матнга шеър матнига мослаштириш мақсадида айрим жузъий ўзгартиришлар киритишга руҳсат этилади [12. 330], масалан:

العمر قصير أيها الأحباب فاتقوا الله يا أولي الألباب

Эй, севимли дўстларим, умр қисқадир

Аллоҳга тақво қилинг, эй

Талоқ сураси 10 оят иқтибос қилиб олинган.
لا تجعل الدنيا رأس كل أمورك وكن في الدنيا كأنك غريب

Барча ишинг бошини дунё билан боглама,
Бир гарибдек яшагин, бу дунёга зорланма.
(эркин таржима)

Бу мисолга {يَا قَوْمِ إِنَّمَا هَذِهِ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا مَتَاعٌ وَإِنَّ الْآخِرَةَ} ояти асос бўлиб, дунёга абадий

яшайдигандек хирс қўймай, уни боқий манзил деб билмай, мол-давлатга берилмай, гўёки сафар тараддудида турган инсон каби яшаб ўтиш керак, деган маънони ифодалайди.

Тасфих ҳам лафзий муҳассинотлардан бири бўлиб, у икки ёки ундан ортиқ сўзнинг нукталари тушиб қолиши ёки ўрни ўзгариши туфайли юзага келади. Масалан, ن - ب ، ب - ن، ن - ح - ح - خ ҳамда ت، ت - ي، ي - ن، ن - ح - ح - خ ҳамда ت، ت - ي، ي - ن، ن - ح - ح - خ каби ҳарфлар таркибидаги нукталарнинг ўрни ёки сони ўзгариши ҳисобига тасхиф содир бўлади. Бир табиб китоблардан ўрганиб, касалликларни даволар экан. Бир китобдан “қора илон – الحية السوداء شفاء من كل داء” ҳар қандай дардга даво” деб ўқиб қолибди. “الحية السوداء” бирикмаси “қора илон” маъносини ифодаган, матнни ўқишда ёки ёзувда нукта сони ортгани учун маъно ўзгариб кетган, аслида “حبة” сўзидан “الحبة السوداء” – “қора седана” кўзда тутилган. Табибнинг хато ўқигани учун ногўри даволаши оқибатида кўп одам вафот этган.

ХУЛОСА

Балоғат илмида бадий санъатлар “бадий муҳассинот”лар деб аталади. Бадий муҳассинотлар сўз шакли ёки маънода акс этишига қараб икки туркумга ажратилади. Лафзий муҳассинотлар туркумига киритилган мавзулар назм ва насрда ҳам ишлатилади. Улар тингловчига завқ бағишлаб, таъсирчанликни келтириб чиқаришга ёки маънони таъкидлаш билан барқарорлаштириш, огоҳлантириш, Қуръоннинг илоҳий қудрати, шунингдек, классик араб адабиётининг гўзаллигини намоён қилишга хизмат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. – М.-Л. 1960. – Т. VI. – С. 97-330
2. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Extremum press, 2010. – 134 б.
3. Рустамий С. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. – Тошкент: Zilol buloq, 2019. – 239 б.
4. Шарифов З. Балоғат фани. Баён ва бадеъ илмлари. – Тошкент: Мовароуннахр, 2014. – 296 б.

1. أيمن أمين عبد الغني. الكافي في البلاغة: البيان والبدیع والمعاني. – القاهرة: دار التوفيقية للتراث، – ٨٧٤ ص.
2. الجرجاني أبو بكر عبد القاهر بن عبد الرحمن بن محمد. أسرار البلاغة. – جدة: دار المدني. – ٨٤٥ ص.
3. الجارم علي ومصطفى أمين. البلاغة الواضحة، البيان والمعاني والبدیع ودليل البلاغة الواضحة. – القاهرة: دار قباء الحديثة، ٧٠٠٢. – ٦٩٤ ص.
4. حفني ناصف ومحمد دياب وسلطان محمد ومصطفى طموم. دروس البلاغة. الطبعة الجديدة. – باكستان: مكتبة البشرى، ١١٠٢. – ٤٥١ ص
5. راجي الأسمر. علوم البلاغة. الموسوعة الثقافية العامة. – بيروت: دار الالجل. – ٨٤٢ ص.
6. الزمخشري أبو القاسم محمود بن عمرو بن أحمد. الكشف عن حقائق غوامض التنزيل وعيون الأقاويل في وجوه التأويل. – بيروت: دار الكتاب العربي، ٨٠٠٢. الجزء الأول. – ٦٣٥ ص. الجزء الثاني. – ٢٥٥ ص. الجزء الثالث. – ١٧٤ ص. الجزء الرابع. – ١٣٦ ص.
7. السكاكي أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد. مفتاح العلوم | حققه نعيم زرزور – بيروت: دار الكتب العلمية، ٧٨٩١. – ١٢٦ ص.
8. عوني حامد. المنهاج الواضح للبلاغة. الجزء الأول. – مصر: دار الكتاب العربي، ٣٥٩١ م.
9. الهاشمي أحمد. جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبدیع. الطبعة الثانية عشرة. – لبنان: دار الإحياء التراث العربي، ٥٧٣١. – ٨٢٤ ص.